

**ДИЛДОРА**

# **МУХАББАТИМ**

*(шеърлар)*

**«Фаргона» нашриёти  
2005 йил**


84(55)6-4

Ушбу китобимни бувижоним Зиёдахон  
Низаматованинг ёрқин хотирааларига  
багшилайман.

Китобчани чоп этинда ҳомийлик қилган «Говасой»  
ширкат хўжалиги аъюси Абдумаматхон Ҳамроевга  
миннатдорчилик изҳор этаман.

---

«) Дилдора. «Мұхаббатим». Шеърияр. «Фарғона»  
напириётти, 2005 й.- 32 б.



Дилдора (Дилдора Пулатова) — Чуст туманининг Гона қишлоғида туғилган. Аини лайтда тумандаги 45-урта мактабни аъло баҳоларга битирмоқда. Севги, муҳаббат ёшида булган синглимиз илк шеърларини гартига келтириб, уни «Муҳаббатим» дей номлабди.

Муҳаббат... Бу – адабиётимиzinинг кўхна ва ҳамишина нақирон мавзуси. Бу мавзу ҳар бир ижодкорда узгача пардаларда тараннум этилади. Сизга ҳанола этилаётган ушбу мўъжаз тупламда Она, Ватан, ёшлик ҳақилаги шеърлар билан бир қаторда Муҳаббат мавзусидаги шеърларга ҳам кенг урин берилган. Дилдора:

*... Ингичка ушилиб, севги қаҳридан,  
Чұтилиб қолганда йўғонлар бугун.  
Сохта кулгум ила, муҳаббатим-ла,  
Сени севдим дедим ёлгонлар учун...*

каби сатрларни ёзадики, у албатта шеърхонининг юрагига етиб боради. Бир ҳазил шеърида эса у:

*... Майлига ҳамёни бўлса ҳам қўруқ,  
Юраги севгига бўлса бас тўлиқ –  
дейди.*

Бу каби мисрашарни умисли қаламкаш синглимиzinинг қатор шеърларида учратиш мумкин.

Тилагимиз шуки, шеър ёниш ёш ижодкор Дилдора учун уггинчи бир ҳис туйту бўлиб қолмасин

МУҲАРРИР.

## **ОНАЖОН**

*Сабримни кемирди ҳижрон азоби,  
Килиб берардингиз мантию оби,  
Ҳар сўзингиз қалбим ою офтоби,  
Энди қадрингизга етдим, онажон,  
Кучами т босида кутдим, онажон!*

*Юмшоқ қўлларингиз қадоқ бўлганда,  
Шу қадоқ қалбимда адог бўлганда,  
Пойимда қабрингиз дудоқ бўлганда,  
Энди қадрингизга етдим, онажон,  
Нацотки Сизнэй биз етим онажон?...*

*Тунлари мен учун қайгуардингиз,  
Тонгда нонлар ёпиб улгуардингиз,  
Калбимдан қўрқувни ўлдирадингиз,  
Энди қадрингизга етдим, онажон,  
Сизни шеърларимга битдим онажон...*



## СИЗ БҮЛМАСАНГИЗ

*Яхдек музлаб, қотар қуёшим,  
Ох, булоқдай қайнайди ёшим,  
Чидамаққа қолмас бардошим,  
Меҳрибоним, сиз бүлмасангиз.*

*Тонгда эсган саболар йиглар,  
Юрагим тош, армонлар тиглар.  
Сиздан ўзга мени ким йүқлар,  
Мададкорим, сиз бүлмасангиз.*

*Даврада рақс тушади қизлар,  
Кўкда бир-бир сўнар юлдузлар,  
Нигоҳларим бир сизни излар,  
Танда жон не, сиз бүлмасангиз.*

*Дардлар юрак-багрим ўяди,  
Согинч мени тигсиз сўяди,  
Бу ҳолимга ким ҳам куяди,  
Онажоним, сиз бүлмасангиз?!*

## Г Е Р Б

*Гербимда мавжланиб оқар шалола,  
Тогу қирларда лөв ачилган лола,  
Пахтаю бүгдойи, магур Ҳумоси  
Ва қуёшбобонинг тафтили жилоси.*

*Бу - ҳур Ватаним тамгаси эрур,  
Фахру ифтихори ва шони эрур.  
Хурлигин чамбарак этиб бошига,  
Халқим келаётир, адл қошига.*



## ИССИК НОН

*Таңдирга ҳам солиб ҳаяжон,  
Опажоним ёпар ширмой нон,  
Лаб беради ширмойлар чунон,  
Күрсангиз гар қоласыз ҳайрон.*

*Бобом алқаб: «Юмшоқ жайидаң  
бер-чи, қизим», дейди сүнишиб.  
Тотиб күргач, «Құлларнің аслан  
дард күрмасын», дейди қувониб.*

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА

Бир қўлида қурол, юрагида ор,  
Фитратида мардлик, яшаш ҳисси бор.  
Чегарада сабит, постда-чи – ҳушёр,  
Ватан посбонлари – ботир йигитлар.

Ухламас тунлари, қалбда садоқат,  
Ҳушёрликни қўймас ҳар он, ҳар соат.  
Досюраклик асли уларга одат,  
Ватан-чун ҳар шига қодир йигитлар.

Шукрким, юртимнинг посбонлари бор,  
Пок пиятга тўла осмоилари бор.  
Осойини қалбимда куйлайди дутор:  
Бу юртимнинг таянчи – нодир йигитлар!



## **ХУШ КЕЛДИНГ, ЯНГИ ЙИЛ!**

*Янги орзуларни уйготиб дилда,  
Кувноқ қўшиқларни куйлатиб тилда,  
Омад огуши-ла бетакрор йилда,  
Хуш келдинг, элимга яна Янги йил.*

*Элтимасанг чучмома, бинафшалар ҳам,  
Гўзалдир табиат, моҳирўй бирам,  
Ерларга тўшалди оқ тусли гилам,  
Хуш келдинг элимга яна Янги йил.*



\* \* \*

*Калбимни тиглайди ноласи,  
Кўзида маржонлар шодаси,  
Бир оғиз ширин сўз гадоси,  
Болалар уйининг боласи...*

*Осмон ҳам шунчалар йироқки,  
Не гуноҳ учун шул фироқки,  
Яримта дилда не гуноҳки...  
Болалар уйининг боласи...*

*- Кайтиб бер менга гўл онами.  
Топиб бер эрка, шўх отами.  
Калбимдан қувшиглар мотами...  
Болалар уйининг ноласи.*



## БИЗНИ ТАШЛАБ КЕТГАЧ ОНАМИЗ

*Опажонлар билан биргамиз,  
Бирок қалби тилка-тилкамиз,  
Юпун бўлиб қолди елкамиз,  
Бизни ташлаб кетгач онамиз...*

*Кайга сиғсин шур пешонамиз,  
Ғамга лиқ-лиқ зўр кошонамиз,  
Эртакларга ҳўб шионамиз,  
Бизни ташлаб кетгач онамиз...*

*Шириним деб келмаса Фарҳод,  
Кимни эслаб, кимни этай ёд,  
Ярим кўнглим кўтарар фарёд,  
Бизни ташлаб кетгач онамиз...*

*Суратига боқиб тўймадим,  
Йўлларида кўзим, қўймадим,  
Бирор кимни ундаи сўймадим.  
Бизни ташлаб кетгач онамиз...*

*Тонглар силар гариб бошимни,  
Яширмадим кўзда ёшимни,  
Сўндирилар қалб қуёшимни,  
Бизни ташлаб кетгач онамиз...*

*Тунлар нечун ғигламай ёлгиз,  
Мен томонга келмаса бир из,  
Айтмадилар эркалаб «Хур қиз»,  
Бизни ташлаб кетгач онамиз...*

*Китида қуёш кутуб нетамиз,  
Меҳр, сендан бойиб кетамиз,  
Орзуларга албат етамиз,  
Ташлаб кетса ҳамки онамиз...*

## СЕВМАЙМАН...

Ёнимдан бош эгіб ўтсанғ ҳам,  
Күйімда әзилиб кетсанғ ҳам,  
Ҳасратда минғ нола этсанғ ҳам,  
Барибир, мен сени севмайман.

Йұлымда күн пойлаб ётсанғ ҳам,  
Келмасам, күчамдан ўтсанғ ҳам,  
Ишақимда достонлар битсанғ ҳам,  
Барибир, мен сени севмайман.

Орзумас, армонни құчсанғ ҳам,  
Күш бұлиб, бошимда учсанғ ҳам,  
Мени деб дунёдан кечсанғ ҳам,  
Севмайман, севмайман, севмайман!



## СЕВГИ ҚАСРИДА

*Мұхаббат қасрига бошладинг мени,  
Мардана йўл олдим, қайтвординг нечун?  
Дарвозам ортига суюниб зор-зор,  
Эзилиб йигладим, йигладим беун...*

*Садоқат мадҳига жўр қилдинг мени,  
Зўр бериб куйладим, кулвординг нечун?  
Вафо тирқичидан боқиб, атайин,  
Хиёнат богига йўл олдинг, бугун.*

*Хаёт сўқмогига бошладинг мени,  
Кўлингга туташсам, отвординг нечун?  
Саҳроларда ёниб, кулга айландим,  
Юрагимда қолди, аччиқ бир тутун...*

## БАЪЗИ ЗАМОНДОШ КИЗЛАРГА ҲАЗИЛ

Замонавий қизларни  
Юбкаси тор дейдилар.  
Нечун туркман қизлари,  
Узун күйлак кийдилар.

Сочин майда ўрганини,  
Ўзбек қизи дер эдик.  
Узун-узун сочларда,  
Садоқатни асрардик.

Қани айтинг, қизларжон,  
Сочни кесмоқ шартмиди?  
Сочингни кес, дегувчи  
Йигитлар ҳам мардмиди?

Кўринг, ўзбек қизларин,  
Шоҳи атлас кийсалар.  
Лов-лов ёниб уятдан,  
Бош эгади майсалар.



## С Е В Г И ...

*Мени кутгин, ишон, бир куни келиб,  
Севги, ўтмишим бор дудогларингдан.  
Васлингдан мунаввар бўлса садоқат,  
Севги, ўтмишим бор чорбогларингдан.*

*Рангим афтодаҳол, суюнса чорбог,  
Даста тузмишим бор бутоқларингдан.  
Васлингни согиниб, ўртаса ҳижрон,  
Мактуб кутшишим бор ўртоқларингдан.*

*Севги, хаёлимдан ўтасан гоҳ-гоҳ,  
Лаб-ла қучишим бор ёноқларингдан.  
Калбим истагига эгиб бошимни,  
Излаб топишум бор ЧОРТОҚларингдан.*



## ИШҚ ҮЛМАСИН ДУНЁДА

*Бу дунёда Мұхаббат,  
Эхтиросдан безади.  
Одам севса, дунёни  
Капалакдек кезади.*

*Не бўлса бўлсин, аммо –  
Ишқ үлмасин дунёда.*

*Тунда икки кабутар,  
Термулишиб туради.  
Бемуҳаббат юргаилар.  
Йиглар, оҳлар уради.*

*Не бўлса бўлсин, аммо –  
Ишқ үлмасин дунёда.*



# СИНГИЛЖОН, ҲАММАСИ ОМОНАТ

*Юрагинг тилса-да аламлар,  
Қадрингни билмаса одамлар,  
Үткінчи, ўтади бу дамлар,  
Йиглама сингилжон, йиглама...*


*Ой юзинг, ойдан-да беқиёс,  
Сұзинг айлагум болға қиёс,  
Ихтиёр айлама, сен - қасос  
«Ал-қасос, мин ал-ҳақ», ўйлама.*

*Жигарим, жигаринг әзилса,  
Наштардек нигохлар сезилса,  
Мұҳаббат ришипаси узилса,  
Йиглама сингилжон, йиглама...*

*Сабрингни кемирса хиёнат,  
Зор қақшаб, йигласа диёнат,  
Мангумас... бу дунё омонат,  
Асрагин баҳтингни, йиглама.*

*Дүнёда ёмонлар тумонат,  
Барибир ҳаммаси омонат...*

—17—



## ҮЗГАНИ СЕВ

Айбим нима, ўзга ёрни севганимми,  
Тунлар бедор, фироқида куйганимми,  
Ё, у ҳақда шириң хаёл сурганимми,  
Севмагани севиб нима қиласан, ёр?!

Сени севсам, қиё боқиб қўймасмидим,  
Кошим қоқиб, юрагингни ўймасмидим,  
Ўртоқлардан хатинг кутиб турмасмидим,  
Севмагани севиб нима қиласан, ёр?!

Ёнмас эдим, тунлари «оҳ» этганингда,  
Кутмас эдим, мендан олис кетганингда,  
Куймас эдим, бу дунёдан ўтганингда,  
Севмагани севиб нима қиласан, ёр?!

Кўп куюнма, сени севиб, кутарлар бор,  
Фироқингда дилни кабоб этарлар бор.  
Севмасанг ҳам ёлғиз, сен деб ўтарлар бор,  
Ошиқларни севмай, гуноҳ қиласан, ёр,  
Бир кун улар уволига қоласан, ёр...

## ЮРАК

*Бедор юрак – почора юрак,  
Гамиок юрак – фаввора юрак,  
Не сирларни яшириб беун,  
Бемор юрак – бечора юрак.*

*Севиб-севиб толмади юрак,  
Кайрилмади, тоймади юрак,  
Суймаганга суйкалиб, пе-пе  
Түхматларга қолмади юрак.*

*Хайдадилар – күймади юрак,  
Чин севгидан тоимади юрак,  
Азобли ул совуқ сўзлардан,  
Дук-дук ураг тишмайни юрак.*

## **C Ÿ R O K**

*Сизни биз назарга илмасак  
Ёнимда қол дейсиз, қолмасак...*

*Севгилим, бўлинг ёр десангиз  
Муҳаббатга ошио бўлмасак...*

*Оқиомлар кўчамда зор бўлиб,  
Бизни кутсангизу келмасак...*

*Хотира учун лўтф сўрайсанз.  
Сеҳрли бирор суз билмасак.*

*Дилдор, деб ёнишдан не фойда  
Сизни деб юракни тилмасак...*

## **КИЗЛАР ИСТАГИ**

(ҳазыл)

*Йигит десанг, йигит бўлсин анойи,  
Дунё ичра йигитлар хотамтойи,  
Бўлсин унда илму таълим саройи,  
Ойдай ойдин бўлсин қалби, чиройи.*

*Юрганида «алиф» бўлсин қомати,  
Олчи бўлсин ўзгалардан омади,  
Бўлмасин ҳеч кимсага адовати,  
Ширин сўзи, бўлсайди жон офати.*

*Майлига ҳамени бўлса ҳам қуруқ,  
Юраги севгига бўлса бас, тўлиқ,  
... Майлига кунда бир емасин балиқ,  
Бироқ ўта кетган бўлмасин ориқ.*

## ХАЙР, ЭНДИ...

*Кизгалдоқлар үпіб қолди юзларингдан.  
Дилда арман ботиб қолди сұзларингдан,  
Ёмғир бўлиб қуийлди ёш кўзларингдан,  
Хайр, энди, селдай оқиб кетган ёрим.*

*Кўлларингдан тутолмадим, етотолмадим.  
Юракдаги севгим баён эттолмадим,  
Согинчларни муҳаббатга атолмадим,  
Хайр, энди, селдай оқиб кетган ёрим.*

*Тақдир экан, бирга-бирга юролмадик,  
Ойдин тунда етаклашиб туролмадик,  
Ишқ бобида давру даврон суролмадик,  
Хайр, энди, селдай оқиб кетган ёрим.*

*Бошим узра болишларим ботиб кетди,  
Фироқнингда фарёдларим тош эритди,  
Сиз томонга боришларим қолиб кетди,  
Хайр, энди, селдай оқиб кетган ёрим.*

## **ҚУЧАЙМУ, Ё КЕЧАЙМУ?!**

*Сенга қайрилмадим, қоврилиб кетдим,  
Нафратланиб кетдим, магурлигимдан.  
Сен ҳам индамасдан ўтиб кетасан,  
Кайга кетдинг жоним, сўрайин кимдан.*

*Нечун ёр қийнайсан ҳаста юрагим,  
Бугун ё эртага кетаман ёниб.  
Карашмда рӯбарӯ турасан баъзан,  
Жилмайиб қўясан ҳолимдан қониб.*

*Севгини каттаалар шуур дердилар,  
Баъзилар муҳаббат сурур дедилар,  
Мен энди не деяй, баъзи кимсалар  
Юракдан юракка кўчиб юрсалар?..*

## СОХТА КУЛГИ

*Мен куламан юрагымдан  
ёшлар оқар селдайин!  
Кулмагин ёр багрым тилиб,  
бүлгөмасман сендайин.*

*Каҳ-қаҳ отиб кулишларим,  
бу шунчаки овунчоқ.  
Мен кулмайман, бү багрымда,  
узилади күзмунчоқ.*

*Тұлиб кетса аламларим  
кулиб - кулиб енгаман.  
Бир күн келиб чирт узилгум  
үхшаб хазон гулга ман.*

*Юлиб күринг юрагымни,  
қип-қизарған лолараңг.  
Хасратидан ғамлар тошиб,  
жилмайиб құяр аранг.*

*Хандон отиб, хүб күлдириб,  
этаяорман күпни лол.  
Шу кулгим-ла мен бир күни,  
үлиб кетсам, ЭХТИМОЛ...*

## ЁНИМДА ҚОЛ

Тор күчадан күй таралар омон-омон,  
Яхши деманг, бизни ёр ұам ёмон-ёмон,  
Бизга кун йўқ, ёмонларга экан замон,  
Ихтиёрим, интизорим, ёнимда қол.

Күчамиздан ўтганингда бўйлаб ўтгин,  
Армон эмас, муҳаббатдан куйлаб ўтгин,  
Юрагингга юрагимни боғлаб ўтгин,  
Ихтиёрим, интизорим, ёнимда қол.

Сен Фарҳодсан, суйган ёринг Ширин эмас,  
Ширин эмас, Лайли эмас - у мен эмас,  
Муҳаббат - ўткинчи «Гул сайли» эмас,  
Ихтиёрим, интизорим, ёнимда қол.

Адоларга солиб кетма қийногингда,  
Сунбулалар хазон бўлди фироқингда,  
Бир гул бўлиб бўй таратай гулбогингда,  
Ихтиёрим, интизорим, ёнимда қол.  
Азоблардан тўйиб кетдим, дардимни ол...

## КҮНГЛИМ СҮЗИ

Ёстигим остига күмиб гамларни,  
Үртаниб яшадим, етмади бардош.  
Бошимга болишлар ботиб кетса ҳам,  
Келмадиң сүроқлаб бир бор, бағритош.

Бұғзимда шурибди ҳасрат ютишиб,  
Йұлингда күларим, келарсан ҳаиҳот...  
Изтироб чекмоқда борки имконим,  
Күтмоқдан на маъни, на-да бир пажот...

— Күп юрак, үіганинг ишқи күндирсін,  
Үшал, сендан кетған, мұхаббатжонни,  
Лағынатлаб ўтмагаш, бироқ, ҳеч жоңдан,  
Иңлаб шополымасин сендеқ жопонни.



## ШЕКИЛЛИ

Юрагимни тешиб ўтган ўқ шекилли,  
Бармогимни тутган йигит шұх шекилли.

Термулади: юрагимда ҳаяжон ортар,  
Күзларини узулмайди, сүк шекилли.

Икки юшам қирмиз олма, ишгоҳым олиб,  
Терс бурисам, тенинди ер, дүк шекилли.

Кеңг күчанинг тор нулида тошлоқ күп әкан,  
Коқылдым-ов... сұрмади ұол, дудуқ шекилли.

Индамадим... жим, ёнимда кетиб борарди,  
Менга айтар бирор сұзи йүк шекилли.

Күп күчалар ортда қолди, келади бесас,  
Бұй ёт менга ўтича ўртоқ шекилли.

На шилқым-у, на безори, ёрнинг мақсади: -  
Үйлаб боясам маконимни билмоқ шекилли.

Елғон йұтап «бало»садаи томогин қириб  
Боқиб құйди, юзи тұла доз шекилли.

Аста-аста ізларыда құлғи жилявагар,  
«Сұхбатим»дан күнделілари өз шекилли.

Ортга бокиб кетишлари, қишиди құлақ,  
Расталарда «ғап болор» камроқ шекилли.

... Бегонаға бегоналиқ қылайин десам,  
Бұлмади ҳеч... ул ёр күнгілі чүг шекилли.

Хамма кетди... пұларимда биргина мунис,  
Кетолмади... Дилдор күнгілі оқ шекилли.

\* \* \*

*Ер юзида холми десам, торга ўхшайди,  
Нигоҳидан бир сўзимга зорга ўхшайди.*

*Кўчангизга борай десам, кўнмайди сира,  
Ер бевафо, ё кўчаси торга ўхшайди.*

*Тил учида бор, дилимга ёқмадинг десам,  
Юрагимни чертиб ўтган торга ўхшайди.*

*Севдим дейди, ёрим сизни то Маҳшаргача,  
Бу сўзида алдовлари борга ўхшайди.*

*Севгилим бор, унут дедим, кўнмади зинҳор,  
Хайдаб солдим, асли ул беорга ўхшайди.*

*Наин кундуз, оқшомда ҳам кўчада сарсон,  
Бундай боқсам, ёр уйдан безорга ўхшайди.*

*Кўзларига боқсам қиё, ҳийласи бисёр,  
Бу туриши бераҳм, дилозорга ўхшайди.*

*Ўқи дедим, излан дедим, демагин Дилдор,  
Айтган сўзларим бари бекорга ўхшайди.*

## МУНДАРИЖА

Онажон .....	4
Сиз бўлмасангиз .....	5
Герб .....	6
Иссиқ нон .....	7
Ваган ҳимоячиларига .....	8
Хуш келдинг, Янги йил .....	9
Қалбимни тиғлайди ноласи .....	10
Бизни ташлаб кетгач онамиз .....	11
Севмайман .....	12
Севги қасрида .....	13
Баъзи замондош қизларга ҳазил .....	14
Севги .....	15
Ишқ ўлмасин дунёда .....	16
Сингилжон, ҳаммаси омонат .....	17
Ўзгани сев .....	18
Юрак .....	19
Сўроқ .....	20
Қизлар истаги .....	21
Хайр энди .....	22
Кучайму ё кечайму?! .....	23
Сохта кулги .....	24
Ёнимда қол .....	25
Кўнглим сўзи .....	26
Шекилли .....	27
Муҳаббатим .....	28
Этмасонгиз .....	29
Ёр юзида .....	30

**АДАБИЙ-БАДИЙ НАШР**

**Дилдора**

**МУҲАББАТИМ**

**(шевърлар)**

<b>Мухаррир:</b>	<b>Ғаффор РАСУЛ</b>
<b>Тех. мухаррир:</b>	<b>Ғ. МУЛЛАБОЕВ</b>
<b>Мусаххих:</b>	<b>С. ХОЖАЕВ</b>
<b>Мусаввир:</b>	<b>А. РУСТАМОВ</b>

Теришга 2005 й. 16 майди берилди. Босишга 2005 й. 20.06.05 й руҳсат этилди. Газета қофозига оғсет усулида босилди. Бичими 60x84 1/32. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади: 500 нусха. Буюртма № 679. Баҳоси келишган нархда.

---

«Фарғона» нашриёти. Фарғона шаҳри, С. Темур кучаси, 28-йи  
«Чуст босмахонаси» МЧЖда чоп этилди. Чуст шаҳри,  
Сўғизода кучаси 8-ий.